



**Ilmiy amaliy  
jurnal  
№ 12 (14)  
2025**

**YANGI  
O'ZBEKISTON  
IQTISODIYOTI**

**“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil**

---

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI  
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI**

**12**

**ISBN 978-9943-5256-3-4**

**Toshkent – 2025**

**MUNDARIJA**

<b>Юлдашев Ш.Г.</b> Редкоземельные металлы в новой геоэкономике: глобальные стратегии и приоритеты развития республики Узбекистан.....	7
<b>Tursunov A.M.</b> Совершенствование экономических механизмов функционирования отрасли.	18
<b>Umurzakova Z.S.</b> Sanoat korxonalarida reklama faoliyati samaradorligini aniqlashning uslubiy jihatlari.....	21
<b>Axunov M.A.</b> Korxonalarda raqobatbardoshlikni baholash uchun tanlangan omillar.....	24
<b>Исраилова Д.К.</b> “Аёллар дафтари” маҳаллабай тизими - аёллар бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш омили сифатида.....	28
<b>Шокирова Г.М.</b> Критерии разделения целевой аудитории в сфере цифрового маркетинга.....	33
<b>Vaxtohonova D.N.</b> Bank omonatlari bo‘yicha marketing strategiyalari va ularning real daromadlikka ta’siri.....	36
<b>Xasanova X.F.</b> Investitsilar hisobiga asoslangan xolatda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkil etish tartibi.....	41
<b>Бегимова Д.К.</b> Разработка отраслевых стратегий в Узбекистане.....	45
<b>Mirzayev B.S.</b> CBDC joriy etilishining moliyaviy barqarorlikka ta’siri: imkoniyatlar va xatarlar....	50
<b>Mirzarahimova A.A.</b> Raqamli texnologiyalar asosida sanoat korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘nalishlari.....	53
<b>Азимов О.Т.</b> Ҳалол молиялаштириш инструменти сифатида мурабаха: анъанавий кредит билан қиёсий таҳлил.....	56
<b>Халмирзаев А.А.</b> Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	62
<b>Шоабдурахимова М.М.</b> Повышение производственной эффективности на предприятиях электронной промышленности на примере Artel Electronics (Узбекистан).....	68
<b>Xolmuratov O.T.</b> Futbol maktablarimiz rivojlanishida xorij mamlakatlari menejmenti va marketingi tajribasi.....	72
<b>Yarashev M.O., Nabieva S.A.</b> Aksiyadorlik jamiyatlarini asosiy va moliyaviy faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari.....	76
<b>Кабилова К.</b> Тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлили.....	80
<b>Махмудова С.</b> Бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари.....	85
<b>Захидова Ш.Ш.</b> Университет барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятини халқаро стандартларга мос келадиган тартибда такомиллаштириш.....	89
<b>Saidaxmedov N.X.</b> Raqamli texnologiyalar asosida engil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari.....	97
<b>Усманова С.С.</b> Влияние государственной поддержки и регулирование на развитие инноваций на промышленных предприятиях.....	100
<b>Madrahimov U.A.</b> Iqtisodiy o‘shish va kapitaldan samarali foydalanishni optimallashtirish yo‘nalishlari.....	104
<b>Джалилов Д.А.</b> Капиталнинг ялли ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш.....	108
<b>Султанова Л.Ш.</b> Абсорбционная способность как медиатор трансформационного экономического роста: теоретические основы.....	111
<b>Mahmudov Sh.N.</b> Location and development of industrial sectors in the regions.....	115
<b>Ustadjalilov D.R.</b> O‘zbekistonda klasterlarni rivojlantirishning institutsional asoslari transformatsiyasi: direktiv modeldan bozor tamoyillariga.....	119
<b>Гайбуллаев Ф.</b> Олий таълимда коррупцияга ўрин бўлмаслиги керак!.....	125
<b>Abdurazakova F.D., Normurodov X.E.</b> Aholi moliyaviy savodxonligi va moliyaviy madaniyati o‘rtasidagi oshirish imkoniyatlarini baholash.....	129
<b>Muxtarov M.M.</b> Rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosida sanoat klasterlarini shakllantirish modellari: O‘zbekiston uchun istiqbollar.....	136
<b>Ro‘zmatov B.Z., Shodiyeva N.H.</b> Turistik infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha xalqaro tajriba va uning taqqoslovchi tahlili.....	140

<b>Rahmatova N.A., Mustafayeva H.</b> O‘zbekistonda pensiya ta‘minoti tizimining muammolari va hal etish yo‘llari.....	<b>147</b>
<b>Ахмедов Х.</b> Тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови.	<b>154</b>
<b>Boboyev A.Ch.</b> Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari.....	<b>159</b>
<b>Исраилов З.А.</b> Яшил иқтисодиёт технологиялари: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил.....	<b>165</b>
<b>Ikromov A.Sh.</b> Mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari.....	<b>169</b>
<b>Ҳалмирзаев А.А., Қодиров Б.Ш.</b> Ёшлар бандлигини таъминлашнинг хорижий тажрибалари.....	<b>175</b>
<b>Elmurodov Sh.Sh.</b> A framework for integrating fiscal risks into the assessment of regional financial security.....	<b>183</b>
<b>Axmadjonov S.S.</b> Tadbirkorlik va biznesni qo‘llab – quvvatlashni baholash mezonlari.....	<b>188</b>
<b>Sabirova Z.U.</b> Sanoat va sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi jarayonlarini tahlil qilishga uslubiy yondashuv.....	<b>192</b>
<b>Pardayev T.N., Alimuxamedov Sh.R.</b> Chetdan olib kelinayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashni takomillashtirishning ayrim masalalari.....	<b>197</b>
<b>Кадыров А., Исхаков А.К., Турсунова Н.Х.</b> Реализация механизма стратегического управления акционерного общества «Узавтосаноат» на основе прогнозирования его развития.....	<b>203</b>
<b>Zoxidov T.M.</b> Moliyaviy hisobotni buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) o‘tkazishning muammolari va yechimlari.....	<b>211</b>
<b>Nabiyeva N.M.</b> Turizm xizmatlari bozorida hududiy destinatsiyalar samaradorligini o‘rganish.....	<b>216</b>
<b>Sharofiddinov Sh.U.</b> Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda mhxs asosida tuzilgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni axborot manbai sifatidagi afzalliklari.....	<b>221</b>
<b>Nurmatov Z.Sh.</b> O‘zbekiston respublikasida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini (MHXS) joriy etishning iqtisodiy ahamiyati va amaliy dolzarbligi.....	<b>225</b>
<b>Содиқов А.М., Зокиров С.С.</b> Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги стратегияси.....	<b>230</b>
<b>Narmanov U., Ikromova S.</b> Fond bozorlariga xorijiy investorlarni jalb qilishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari.....	<b>238</b>
<b>Qutbiddinov A.B.</b> Samarali faoliyat imkoniyatlarini amalga oshirishda boshqaruv xodimlari qobiliyatlaridan foydalanish darajasi va uni oshirish imkoniyatlari.....	<b>241</b>
<b>Qayumova Sh.S.</b> Mahalliy xomashyo bazasiga ega sanoat korxonalarida investitsiya samaradorligini belgilovchi omillar va ularni oshirishning vertikal integratsiya asosidagi optimallashtirilgan modeli.....	<b>246</b>
<b>Turebekov A.A.</b> Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy sifatining tahlili.....	<b>252</b>
<b>Kurbanova M.N., Azizov A.A.</b> Qadimgi klassik iqtisodiy maktablarning shakllanishi va ularning zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishiga ta‘siri.....	<b>255</b>
<b>Samadova G.S.</b> O‘zbekiston iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarning iqtisodiy o‘shishga ta‘siri.....	<b>259</b>
<b>Абдуллаева Р.</b> Инклюзив тадбиркорликнинг моҳияти ва хориж тажрибаси.....	<b>264</b>
<b>То‘uchiyeva B.V.</b> Oziq-ovqat sanoati korxonalarini barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqarishning dolzarbligi.....	<b>268</b>
<b>Amnah Saeed J Alhindi</b> The role of financial resources in ensuring corporate financial stability.....	<b>272</b>
<b>Fayziyev O.R.</b> O‘zbekistonda baliqchilik klasterlarini moliyalashtirishning hududiy va tarmoq xususiyatlari.....	<b>276</b>
<b>Алимов Р.А., Султанова Л.Ш.</b> Абсорбционная способность и искусственный интеллект: многоуровневая модель и фигура нового интеллектуала.....	<b>280</b>
<b>Teshayev Z.J., Muxitdnov Sh.X.</b> Logistika xizmat ko‘rsatish korxonalarini resurslaridan foydalanishning hududiy iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri.....	<b>284</b>
<b>Xaydarov X.U., Raxmonov D.R.</b> 1907-yilgi moliyaviy inqiroz: sabablari, kechishi va jahon moliya tizimiga ta‘siri.....	<b>288</b>
<b>Солижонов М.А.</b> Ўзбекистон монетар сиёсатининг савдо балансига таъсирини баҳолаш....	<b>292</b>
<b>Rejarov X.X.</b> Davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari.....	<b>297</b>

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК — БАРҚАРОРЛИК, ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА  
ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

МИР И БЕЗОПАСНОСТЬ КАК ГАРАНТ СТАБИЛЬНОСТИ, ЭКОНОМИЧЕСКОГО  
РОСТА И БЛАГОСОСТОЯНИЯ

PEACE AND SECURITY AS A GUARANTEE OF STABILITY, ECONOMIC GROWTH  
AND PROSPERITY

Ҳабибулла Аҳмедов Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
“Иқтисодиёт” кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.

**Аннотация**

Мақолада тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови эканли масаласи таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Тинчлик, хавфсизлик, иқтисодий ўсиш, фаровонлик, барқарорлик, иқтисодий тафаккур, янги иқтисодий дунёқараш.

В статье анализируется вопрос мира и безопасности как гарантии стабильности, экономического роста и благосостояния.

**Ключевые слова:** Мир, безопасность, экономический рост, благосостояние, стабильность, экономическое мышление, новое экономическое мировоззрение.

The article analyzes the issue of peace and security as a guarantee of stability, economic growth and prosperity.

**Key words:** Peace, security, economic growth, prosperity, stability, economic thinking, new economic outlook.

Тез ўзгарувчан халқаро кун тартиби, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган геосиёсий реаллик, турли зиддият ва низолар, инқирозлар шароитида мамлакатни барқарор тараққиёт сари бошлаш — жуда катта сиёсий етакчилик маҳоратини талаб қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шундай сиёсий лидер сифатида бугун халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлмоқда.

Турли манфаатлар тўқнашуви шароитида Ўзбекистон Президентининг вазмин, бир вақтнинг ўзида прагматик сиёсати, самарали ва интенсив дипломатик мулоқотлари, юқори суръатдаги фаолияти натижасида мамлакатимиз барча соҳаларда катта марраларни забт этмоқда. Ижтимоий давлат тамойили асосида бунёдкорлик, ишлаб чиқариш, саноат, инвестиция, таълим каби устувор йўналишларда мунтазам ўсиш кўрсаткичларига эришилмоқда.

Тинчлик ва осойишталик боис қўлга киритилаётган улкан натижалар, айниқса, кейинги 9 йилда давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси ва ташаббуслари билан барча соҳаларда амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар марказида инсон кадрлари, халқимизнинг манфаати турибди. Айнан шунинг учун ҳам бу тарихий ўзгаришлар ватандошларимиз ва халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимиз сўнгги тўққиз йилда амалга оширган давлат ташрифлари геосиёсий манфаатлар доирасини кенгайтиришдан кўра, инсон кадрини юксалтириш, халқлар қалбини яқинлаштириш ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ғоясига асосланган.

Маълумки, иқтисодиёт – инсониятнинг нафақат бугунги, балки эртанги ҳаёти, ҳозирги ва келажакдаги фаровонлиги ҳамдир. Иқтисодиёт янада ривож топмаса, кишилар фаровонлиги

кафолатланмайди. Иьтисодиётни ривож топиши учун тинчлик ва хавфсизликни таъминланиши муҳим омил саналади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Халқимиз Яратгандан аввало тинчлик-хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чакам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратаёپмиз”[1], деганларида тинчлик-хотиржамликнинг инсон, жамият, давлатнинг энг муҳим ҳаётий манфаатларини рўёбга чиқаришдаги ўрни ҳамда бу буюк неъматни таъминлаш умуммиллий вазифа эканлигини назарда тутди.

Сайёрамизда содир бўлаётган воқеа-ходисаларни кузатган киши борки, ҳайратдан ёқа ушлайди. Ҳали у, ҳали бу давлатда хунрезликлар уюштираётган, ёш болалар ва кексаларни қатл қилаётган, одамларни гаровга олаётган, табаррук қадамжоларни харобага айлантираётган жиноий тўдаларнинг қилмишларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Маълумки, ўзаро ишонч, ҳурмат ва жипслик тамойиллари Марказий Осиёни тинчлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик маконига айлантириш борасидаги Ўзбекистон сиёсатининг асосидир. 2025 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар, кўпқиррали иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга минтақа давлатларининг яна бир қарра тайёр эканлигини кўрсатди. Нисбатан қисқа муддатда минтақавий ҳамкорлик ва ишончли мулоқотнинг самарали механизмига айланган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари минтақамизда бўлаётган ўзгаришларнинг ёрқин тимсолидир. Ушбу учрашувлар Марказий Осиёнинг бугунги тараққиёти ва келажагига дахлдор стратегик масалалар бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун асосий мулоқот майдони сифатида шаклланди.

Маълумот учун: Марказий Осиё аҳолиси 80 миллионлик маррадан ўтиб бўлди, БМТ прогнозларига кўра, 2050 йилга бориб, бу кўрсаткич 100 миллиондан ошади. Шунингдек, Марказий Осиё дунёнинг энг ёш минтақаларидан бири бўлиб, аҳолисининг ўртача ёши атиги 29 ёшни ташкил этмоқда[2].

Рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу демографик ресурсни тараққиёт ва инновациянинг қудратли омилига айлантириш, минтақа ёшларининг истеъдоди ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш вазифаси кўндаланг турибди.

Бўлиб ўтган Тошкент саммити барқарор, ўзаро боғлиқ ва фаровон Марказий Осиёни биргаликда барпо этишда янги муҳим босқични бошлаб берди. Давлат раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви Ўзбекистон 2017 йилнинг кузида бошлаган йўлнинг давоми сифатида мамлакатларимизнинг ўзаро англашув ва шериклик руҳига содиқлигини тасдиқлаши, минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришда туб бурилиш ясади.

Жаҳон тартиботининг кенг кўламда трансформацияга учраши, глобал иқтисодиётни парчалашга қаратилган хатарлар, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашиб бораётгани Марказий Осиё давлатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш йўлидаги интилишларни кучайтирди.

Буларнинг барчаси Марказий Осиё давлатларидан янада жипс ва ҳамжихат бўлиб ҳаракат қилишни тақозо этади. Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда минтақа давлатлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш шунчаки сиёсий мақсад эмас, балки стратегик заруратдир. Марказий Осиё барқарорлик ва бунёдкорлик худудига, минтақавий ўзаро боғлиқлик барқарор ривожланиш ва хавфсизлик учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётганининг намунасига айланди, десак айни ҳақиқат бўлади.

Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилган 2017 йил минтақавий ҳамкорлик тарихида туб бурилиш ясади. Минтақа етакчилари кўп йиллар мобайнида биринчи марта ташқи воситачиларсиз тизимли ва мунтазам мулоқотни бошладилар. Бу ишончга, очиклик ва умумий манфаатларни англашга асосланган янгича сиёсий тафаккур рамзига айланди. Айнан Маслаҳат учрашувлари доирасидаги мулоқот туфайли эски даврдан қолган бир қатор

келишмовчиликларни бартараф этиш ва ишончсизликдан ҳақиқий ҳамкорликка ўтишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тинчлик ва ишонч халқаро форумидаги нутқида: “Янги Ўзбекистон учун жаҳонга очиклик, ўзаро ҳурмат ва мулоқотга интилиш – фундаментал қадриятлардир. Айнан шу сабабли биз умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида бирдамлик бўйича Самарқанд ташаббусини илгари сурдик. Ушбу ташаббус инсоният келажаги учун бефарқ бўлмаган, тинчлик, тотувлик ва барқарор тараққиёт учун интилаётган барча томонларни мулоқотга жалб этишга қаратилган. Ишончимиз комилки, фақат ўзаро ҳурмат ва тушунишга таянган гуманистик ҳамда инклюзив ёндашувларгина замонавий халқаро ҳамкорлик конструкциясини мустаҳкамлашга қодир. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг Қўшилмаслик ҳаракатидаги бўлажак раислиги даврида биз тинчлик ва зўравонликдан холилик маданиятини қўллаб-қувватлаш бўйича глобал ҳаракатни рағбатлантириш, сиёсий мулоқот асосида давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш, жаҳонда бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва бирдамлик муҳитини қарор топтиришга кўмаклашишни бош устувор йўналишлар сифатида белгилаш ниятидамиз” [3].

Қисқача Самарқанд саммити ҳақида. Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари саммити 2025 йил 3-4 апрель кунлари Самарқандда бўлиб ўтди[4]. Бу тадбирга дунё сиёсий харитасидаги навбатдаги йиғилиш сифатида қараш нотўғри, бу учрашув давлатлараро маънавий дипломатиянинг ҳаётий тимсолига айланди. Нега айнан Самарқанд?

Чунки Самарқанд тарихда ҳамisha халқлар ўртасида мулоқотнинг маркази, цивилизациялар кўприги вазифасини бажарган. Бугун эса у тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлик ғояларининг маънавий пойтахтига айланди. Ушбу саммит дунёга бир ҳақиқатни яна бир бор исботлади: ўзбек етакчисининг ташаббуслари расмий анъаналардан узоқ — улар қалбдан келиб чиққан, миллат дарди ва минтақанинг истиқболини ҳис этган юракнинг ифодаси. Бу ташаббуслар нафақат юртимиз, балки бутун минтақа келажаги учун зарур бўлган маънавий ва амалий дастур сифатида шаклланмоқда.

Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга молик босқичига қадам қўймоқда. Бугун минтақа давлатлари чинакам бирдамлик босқичига ўтмоқда. Марказий Осиёда узоқ йиллар давомида илк бор биргаликда олдинга қараб боришимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши кўшничилик ва ҳурмат муҳити шаклланмоқда.

Ташқи сиёсатда эса тамоман янги ёндашув шаклланди: энди унинг бошланиши географик чегаралар билан белгиланмайди, балки инсон қадрига берилаётган юксак аҳамиятдан бошланади.

2025 йил 31 март куни Хўжанд шаҳрида[5] Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган уч томонлама шартнома тарихдаги оддий сиёсий ҳужжат бўлмай, балки халқлар қалби ўртасидаги чегарасизликни муҳрлаш пойдевори бўлди.

Бу воқеликда энг катта муваффақият ҳужжатнинг ҳуқуқий матнида ифодаланмайди, унинг ортида турган одамлар, оилалар, қўшнилари, қариндошлари, маҳаллалар тинчлиги билан белгиланади. Миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамжиҳатлик, ҳар бир хонадондаги хотиржамлик етакчи ташаббуси билан бошланган “дунёда тинчлик сиёсати”нинг амалий натижаси бўлиб, бу минтақавий ҳамкорлик борасида бошланган янги босқичнинг энг муҳим ютуқларидан бири — чегара масалалари узил-кесил ҳал этилгандир. Яқин-яқингача имконсиз туюлган бу муаммонинг ечими бугун реал ҳолатга, бир пайтлар бизни ажратиб турган чегаралар эса дўстлик ва ҳамкорлик кўпригига айланди. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч давлатнинг чегаралари туташган нукта тўғрисидаги Шартнома ва Хўжанд декларациясининг имзолангани тарихий аҳамиятга молик ҳодисадир. Буни ҳақли равишда оламшумул воқеа деб аташ мумкин.

Минтақа мамлакатларининг мустақил ривожланиш тарихида илк бор ўзаро чегараларнинг барчаси ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди, ўнлаб йиллар давомида кескинлик манбаи бўлиб келган масалага нукта қўйилди.

2025 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Фарғона тинчлик форуми[6] мамлакатларимизнинг Фарғона водийсида тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашга бўлган ўзаро интилишининг

якқол амалий тасдиғи, Марказий Осиёда кечаётган бунёдкорлик жараёнларининг ифодаси бўлди.

Илгари кескин келишмовчилик ва зиддиятларга сабаб бўлиб келган сув-энергетика соҳасида ҳам принципиал ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида Қамбарота ГЭС-1 лойиҳасини биргаликда амалга ошириш тўғрисидаги битим минтақанинг сув-энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш амалиётида янги саҳифа очгани қардошларча ҳамкорликнинг ёрқин далилидир.

Тошкент ва Бишкек ўртасида Чашма булоғидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги келишув оқилона муроасага мисол бўла олади.

Ўзбекистон ва Тожикистон иштирокида Зарафшон дарёсида Ёвон ва Фондарё ГЭСларини қуриш бўйича ҳамкорлик олдинга силжимоқда, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон ўртасида Баҳри Тожик сув омборини вегетация даврида келишилган тартибда ишлатиш бўйича келишувларга эришилди.

Туркменистон билан ҳукуматлараро битим доирасида Амударё сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича келишувга эришилди. Бу сув ресурсларини биргаликда бошқаришни яхшилайти ҳамда экологик муаммолар хавфини камайтиради.

Буларнинг барчаси ишонч, ўзаро манфаатдорлик ва умумий ресурсларга адолатли ёндашувга асосланган янги ҳамкорлик руҳини шакллантирмоқда. Бундай лойиҳалар аҳолининг иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва минтақанинг энергетик хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар очмоқда.

Шу билан бирга, чегара тартиб-таомиллари ва гуманитар алоқалар соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. 2023 йил сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқаролари ID-карталар асосида чегарадан ўтаётгани одамларнинг эркин ҳаракатланиш ҳудудини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Қозоғистон ва Тожикистон билан ҳам шундай келишувлар ишлаб чиқилмоқда. Худудлар ўртасидаги алоқалар кенгаймоқда, чегара-олди савдо ҳажми ошмоқда, гуманитар ва маданий алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Ҳамкорликни институционал жиҳатдан расмийлаштириш бўйича қадамлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада 2023 йилда Душанбе шаҳрида ўтказилган бешинчи Маслаҳат учрашуви[7] ни қайд этиш лозим.

Мазкур учрашувда давлат раҳбарларининг келишувларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг доимий механизми сифатида Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, парламентлараро мулоқот ва Хавфсизлик кенгашлари котиблари даражасида мунтазам учрашувлар йўлга қўйилган.

2022 йилда бўлиб ўтган Чўлпонота (Қирғизистон) учрашуви якунлари бўйича суверен тенглик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва минтақа келажаги учун биргаликдаги масъулият тамойилларини мустаҳкамлаган XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш мақсадларида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома-нинг имзоланиши шартномавий - ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. 2025 йилда Тожикистоннинг бу ҳужжатга қўшилгани минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Биз ушбу қарорни олқишлаймиз ҳамда яқин истиқболда Марказий Осиёда ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳини узил-кесил мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мазкур шартнома минтақанинг барча давлатлари томонидан имзоланишини кутиб қоламиз.

2022 йилда давлат раҳбарлари томонидан Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама форматлар доирасидаги ҳамкорлиги концепцияси ҳам тасдиқланди. Унда минтақа мамлакатлари халқаро платформаларда, жумладан, “Марказий Осиё плюс” форматларида ўзаро мувофиқ ҳолда ҳаракат қилишининг йўналишлари белгилаб олинди.

2024 йилда Остона саммитида қабул қилинган “Марказий Осиё — 2040” минтақавий кооперацияни ривожлантириш концепцияси муҳим дастурий ҳужжат бўлди. Унда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва мамлакатларимиз тараққиётига қаратилган ҳамкорликнинг узок муддатли устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Хулоса. 1. Дарҳақиқат, юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, Марказий Осиёда кўп қиррали ўзаро ҳамкорлик архитектурасини барпо этилмоқда. Бу эса минтақа ривожланиши учун улкан манба саналади.

2. Минтақада таъминланган тинчлик ва осойишталик боис, Марказий Осиё давлатларининг савб-ҳаракатлари билан минтақада янги иқтисодий воқелик шаклланмоқда:

2.1. 2017-2025 йилларда Марказий Осиё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти қарийб икки ярим баробар ўсиб, 520 миллиард долларга, ташқи савдо ҳажми эса икки қаррадан зиёд қўпайиб, 253 миллиард долларга етди. Шу билан бирга, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2 марта ошиб, қарийб 11 миллиард долларга, ўзаро инвестициялар эса 5,6 баробарга етди. Биргина мамлакатимизни оладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 2016 йилдаги 2,4 миллиард доллардан 2024 йилда 7,2 миллиард долларга етди, қўшма корхоналар сони эса 1800 дан ошди[8].

2.2. Саноатда Марказий Осиё барқарор равишда йилига 6 фоиз атрофидаги ўсишни намойиш этмоқда, бу жаҳондаги ўртача ўсиш суръатидан икки қарра юқори. Бундай муваффақият ишлаб чиқариш кооперациясининг янги шакллари йўлга қўйиш — қўшма инвестиция фондларини (жумладан, Ўзбекистон — Қирғизистон, Ўзбекистон — Тожикистон ва Қозоғистон — Қирғизистон) ташкил этиш, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ. Минтақа мамлакатлари томонидан тасдиқланган 2025-2027 йилларда саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режаси ҳамкорликнинг муҳим воситасига айланмоқда. Кичик ва ўрта бизнеснинг ўсишига кўмаклашадиган чегараолди савдо зоналари ва халқаро саноат кооперацияси марказлари фаол ривожланаётганлигига[8] эришилмоқда.

3. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Қардош халқларимиз бўлаётган барча ижобий ўзгаришларни ўз кундалик ҳаётида ҳис этмоқда. Янги ўтказиш пунктлари очилгани, авиақатновлар, темир йўл ва автобуслар йўналишлари йўлга қўйилгани ўзаро борди-келдиларни бир неча бор ошириш, маданий- гуманитар алоқаларни кенгайтириш имконини берди. Минтақа мамлакатларининг умумий сайёҳлик оқимида ички минтақавий туризмнинг улуши 80 фоиздан ошди” [8].

4. Яқин-яқингача орзу бўлиб туялган эркин ҳаракатланиш, ўзаро ҳурмат, яқинлик ва ишонч туйғуси бугун амалдаги ҳақиқатга айланмоқда. Амалий ҳаракатларимиз, келажак учун масъулиятимиз, яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаат тамойилларига содиқлигимиз шуни исботлади: Янги Марказий Осиё тинчлик, барқарор тараққиёт ва яратувчан шериклик йўлини танламоқда. Рамзий маънода айтганда, биз девор эмас, кўприк барпо этмоқдамиз[8].

5. Айни пайтда Марказий Осиёни дунёнинг етакчи давлатлари ва бирлашмалари билан боғлайдиган ўндан ортиқ “Марказий Осиё плюс” форматлари фаолият кўрсатмоқда. 2025 йилнинг ўзида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи”, “Марказий Осиё — Хитой”, “Марказий Осиё — Россия” ва “Марказий Осиё — АҚШ” саммитлари бўлиб ўтгани минтақанинг глобал сиёсатдаги шиддати ва стратегик аҳамияти ортиб бораётганини тасдиқлайди.

Янгидан-янги “Марказий Осиё плюс” мулоқотлари давлат раҳбарлари даражасига кўтарилаётгани уларнинг амалий аҳамияти ва сиёсий қиммати ортиб бораётганидан далолат беради.

6. Маълумки “хавфсизлик” бўлинмас категориядир. Бу дегани — таҳдид ва хатарларга қарши курашиш бўйича Марказий Осиё давлатлари умумий салоҳиятни шакллантириши керак. Марказий Осиё давлатлари Хавфсизлик кенгашлари котиблари, махсус хизматлар, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини йўлга қўйилганлиги “Хавфсизликнинг бўлинмаслиги” принципи нақадар аҳамиятли эканини кўрсатмоқда. Сабаби, геосиёсий беқарорлик тобора ортиб бораётган ва жаҳон куч марказлари ўртасида рақобат кучайган бугунги ўта таҳликали замонда Марказий Осиё давлатларининг халқаро майдондаги позицияларини мувофиқлаштириш барқарорлик ва умумий манфаатларни ҳимоя қилишнинг муҳим омили эканлиги идрок этилмоқда. Демак, прагматик алоқаларни йўлга қўйишда ўз самарадорлигини исботлаётган “Марказий Осиё плюс” форматларини янада ривожлантириш йўлидан собитқадамлик билан бориш керак.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Давлатимизнинг юксак мукофотлари топширилди. – Халқ сўзи. – 2017 йил. 8-дек.
2. Мирзиёев Ш. М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Т., – 2024. – 5-6-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тинчлик ва ишонч халқаро форумидаги нутқи. // <https://yuz.uz/news/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-tinchlik-va-ishonch-xalqaro-forumidagi-nutq>.
4. Мирзиёев Ш. М. “Олдимизда минтақамизни нафақат барқарор, балки фаровон қилиш учун тарихий имконият турибди”. // <https://kun.uz/kr/32039930>.
5. Ўзбекистон Президенти давлат раҳбарларининг уч томонлама учрашувида иштирок этди. // <https://president.uz/uz/lists/view/8001>.
6. [https://uza.uz/uz/posts/fargona-tinchlik-forumi-barcha-davrlarda-dolzarb-bolgan-hamzhixatlik-ananasi\\_771404](https://uza.uz/uz/posts/fargona-tinchlik-forumi-barcha-davrlarda-dolzarb-bolgan-hamzhixatlik-ananasi_771404)
7. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/13/consultative-meeting/>.
8. Мирзиёев Ш. М. Марказий Осиё янги давр остонасида. – “Халқ сўзи” газетаси. 2025 йил 13 ноябрь сони.

**UDK: 338.436.33**

**QISHLOQ XO‘JALIGIDA ISHLAB CHIQRISHNI BARQAROR RIVOJLANTIRISH YO‘NALISHLARI**

**DIRECTIONS FOR THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF AGRICULTURAL PRODUCTION**

**НАПРАВЛЕНИЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ**

**Boboyev Akmal Choriyevich** Buxoro davlat texnika universiteti, “Iqtisodiyot va menejment” kafedrasi mudiri, iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor  
Email: boboyevakmal910@gmail.com

**Annotatsiya**

Maqolada ishlab chiqarish tarmoqlarini tarkibiy o‘zgartirishlarni chuqurlashtirish, barqaror va samarali rivojlanib borishini ta’minlash asosida aholini iste’mol mahsulotlariga bo‘lgan xavfsizligini ta’minlash, xomashyo mahsulotlari asosida uni qayta ishlab chiqarish sanoati talablarini sifatli mahsulotlar bilan ta’minlab, tashqi bozorga eksport qilish shuningdek, qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** yalpi ichki mahsulot, paxta va g‘alla maydonlari, investitsiya mablag‘lari, qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaliklari, kimyoviy o‘g‘itlar, tashkiliy, iqtisodiy va ijtimoiy munosabatlar, agrosanoat majmuasi, hudud, mintaqa, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqaruvchi, tayyorlovchi, qayta ishlovchi, saqlovchi, barqaror va samarali rivojlanish.

В статье представлены направления по углублению структурных преобразований в производственных отраслях, обеспечению устойчивого и эффективного развития, гарантированию безопасности населения в обеспечении потребительскими товарами, снабжению перерабатывающей промышленности качественной продукцией на основе сырьевых ресурсов и экспорту её на внешние рынки, а также по устойчивому развитию производственного процесса в сельском хозяйстве.

**Ключевые слова:** валовой внутренний продукт, земельные площади под хлопковые и зерновые культуры, инвестиционные средства, сельское, лесное и рыбное хозяйство, химические удобрения, организационные, экономические и социальные отношения,